



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 14 июнь, № 115 (6550)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.



Ислон КАРИМОВ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўлиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири, дегандир. Бундан ташқари, сайёрамиз нуфусининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқдаки, буларнинг барчаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нақадар долзарб масала эканлигини яқол кўрсатиб турибди.

Аслида озиқ-овқат хавфсизлиги жуда кенг тушунча бўлиб, у, энг аввало, аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мос равишда истеъмол товарлари билан таъминлашни назарда тутади. Бироқ кейинги пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ортисидан орқада қолаётгани, айниқса, қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноати ривож учун етарли шароит мавжуд бўлмаган мамлакатларда муаммо тобора чуқурлашиб бораётгани ташвишланарлидир.

Шундай мураккаб бир пайтда Ўзбекистонимизда аҳолининг муҳим кундалик истеъмол товарларига бўлган талаби

тўлиқ қондирилибгина қолмай, катта миқдорда экспорт қилинаётгани таҳсинга лойиқ.

Гап шундаки, юртимизда жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Қолаверса, 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунёнинг 80 та давлатига экспорт қилинаётгани кимни қувонтирмайди дейсиз?!

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва 2014 йилнинг 5-6

июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида мамлакатимизда мазкур жабҳада қўлга киритилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “2000 йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан тараққиётга эришди. 2000 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳосилдорлик муттасил ошириб келинаётгани бундай ҳайратланарли ютуқларнинг бош омилдир”.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон —

қишлоқ хўжалигида кўп йиллик бой тажриба ва юксак илмий салоҳиятга эга мамлакат. Бироқ мустабид тузум даврида пахта яккахокимлиги ҳалокатли даражада авж олиши оқибатида иқтисодийёт бирёқлама йўлдан кетди. Истиқлолга эришгач, соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, юртимиз қишлоқ хўжалиги тарихида тамомла янги давр бошланди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрдаги “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликлари янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони бунда тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 4-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Хотин-қизлар манфаатлари — эътиборда

Мамлакатимизда аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларни ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунлар, давлат дастурлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси алоҳида ўринга эга.

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Мустақиллик билан тенгдош мазкур жамоат ташкилотининг ўтган даврда нуфузи, давлат ва жамият ҳаётидаги роли ошди. Ташкилот томонидан аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказишда, хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашишда давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастурий амал бўлаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фармон ижроси доирасида қуйи тизим фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўқув-семинар ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталарининг бош мутахассислари иштирок этиди.

(Давоми 2-бетда).

Юқори унумли технологиялар

саноат корхоналари салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Изчил ислохотлар самараси иқтисодийётнинг барча соҳаси қаторида, ёқилғи-энергетика тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Бунда мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар ижроси, хусусан, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

ИСЛОХОТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги “Халқаро та-

раққиёт уюшмаси иштирокида “Саноат корхоналарининг энергия

самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори шундай ҳужжатлар сирасига киради. Гап шундаки, ўтган вақт ичида мазкур қарор ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан

ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Навоий кон-металлургия комбинатида қарали Учқудуқ туманидаги Сульфат кислотасини ишлаб чиқариш корхонасида фойдаланишга топширилган замонавий буғ турбинаси ва электр генератори ана шулар сирасидандир. Умумий қиймати 8,2 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу қувватлар Ҳиндистоннинг “Tiveni Turbine Limited” компанияси томонидан ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон — ШХТ:
Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик
Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш стратегияси самарадордир»

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Саломатлик учун фойдали

Қорақалпоғистон Республикаси

Кўнғирот туманидаги "Zarshed-Xurshed" масъулияти чекланган жамияти йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Катта. Корхонамизни ташкил этишда мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратдик. Айни пайтда 18 кишидан иборат жамоамиз томонидан ойига 90 миллион сўмликкача маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларимизга етказиб бераймиз.

Бундан ташқари, МЧЖ қошида полиэтилен қоп ишлаб чиқаришга доир яна бир лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иодланган ош тузидан фойдаланиш бир қанча касалликларнинг олдини олиши кўпчиликка маълум, — дейди тадбиркор Уткир Эшонқулов. — Шу боис унга талаб

Рақамли дастур асосида бошқарилади

Наманган

Наманган шаҳридаги "Замин металл саноат" масъулияти чекланган жамиятида автомобилларга газ тўлдириб станцияларининг юқори босимли компрессорлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда бу ерда 500 дан ортқ турдаги шундай мосламалар тайёрланиши баробарида, уларни таъмирлаш ва сошлаш амалиётлари ҳам йўлга қўйилган. Яқинда корхона банкнинг 1 миллиард 448 миллион сўмлик кредити ҳисобига техник ҳамда технологик жиҳатдан янгиланди.

Бунинг учун хориждан рақамли дастур асосида бошқариладиган сўнгги русумдаги ускуна ва жиҳозлар келтириб, ўрнатилди.

Лойиҳа ижросидан сўнг меҳнат унумдорлиги 15 фоиз ошди, — дейди МЧЖ раҳбари Хусанбой Болтабоев. — Пировардиде жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида мамлакатимиздаги 180 дан зиёд автомобилларга газ қуйиш шохобчаларига 2,6 миллиард сўмликдан ортқ деталлар етказиб бердик.

Умуман, шу йилнинг биринчи чорагида ҳудудда фаолият юритаётган шу сингари кичик бизнес субъектлари саъй-ҳаракати билан 267,7 миллиард сўмлик саноат товарлари ишлаб чиқарилди.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик самараси

Самарқанд

"Самарқандкимё" акциядорлик жамиятида янги қувватлари ўзлаштиришга доир истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилиши билан минерал ўғитлар тайёрлаш ҳажми ортиб бораётди.

кейинчалик 1,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Муҳими, муваффақиятларимиз кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Жорий йилда қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган 40 минг тонна кимёвий маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бермоқчимиз.

Сингапур давлатининг "Indogama Corporation" компанияси билан ҳамкорлик битими имзоладик, — дейди жамият раҳбари Нурали Раҳимов. — Унга кўра, 2016 — 2030 йиллар давомида дастлаб йилига 240 минг,

Ҳозир "Самарқандкимё" маҳсулотлари МДҲ ва Европа мамлакатларига экспорт қилинапти.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташқи таъсирларга чидамли

Бухоро

"Бухара бизнес" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини кенгайтирди. Корхонада замонавий эшик ва ромлар тайёрлана бошланди.

Маҳсулотларимиз идора ҳамда ташкилотлар учун мўлжалланган. Улар ўзига хос дизайни, узоқ йиллар хизмат қилиши билан ажралиб туради, — дейди лойиҳа ташаббускори Илҳом Орипов. — Қолаверса, ташқи таъсирга ҳам чидамли. Шу боис буюртмачиларга қисқа фурсатда юзтадан зиёд эшик етказиб бердик.

Бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришда тадбиркорларга молиявий муассаса томонидан ажратилган 500 миллион сўм миқдоридеги кредит қўл келди. Яна бир жиҳати, 10 та кўшимча иш ўрни яратилди. Натижада Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур тадбиркорлик субъектида меҳнат қилаётганлар сони 22 нафарга етди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фузор туманидаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳ томонидан фуқаролар вакиллари сайлови бўйича ҳовлилар, уйлар, кўчаларда уюштирилган аҳолининг умумий йиғилишларида сайланган вакиллар иштирокида йиғин раислиги ва унинг маслаҳатчилигига номзодлар аниқлаб олинди. Бунда, албатта, уларнинг маълумоти, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажрибаси, шунингдек, аҳоли ўртасида обрў ҳамда ҳурматга эгалигига аҳамият берилди.

Йиғин раислигига номзодларнинг келгуси фаолият дастурларидан ўрин олган масалалар, хусусан, маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёшлар таълим-тарбияси, ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш вазифалари вакиллари бевосита очик-ошкоралик, қонунийлик асосида ташкил этилиши ҳамда ўтказилишидан барча бирдек манфаатдор. Зеро, маҳалла ободлиги, у ерда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бандлиги, турмуши фаровонлигини таъминлаш, кўп жиҳатдан, сайлов натижаларига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис Андижон вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланди.

Маҳалламизда сайлов йиғин вакилларининг фаолиятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланди. — Маҳалламизда сайлов йиғин вакилларининг фаолиятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланди. — Маҳалламизда сайлов йиғин вакилларининг фаолиятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланди.

нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 10 минг 100 дан ортқ маслаҳатчиси сайланди, — дейди вилоят сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси М. Йўлдошев. — Улар ҳудудларни ободонлаштириш, миллий қадриятларни сақлаш ҳамда ривожлантириш, ёшлар тарбиясига оид тадбирларда бош-қош бўлиш, жамиятда хотин-қизлар фаолигини ошириш, улар бандлигини таъминлаш, табиати муҳофаза этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалаларни илгари сургани билан кўпчилик эти-

рофига сазовор бўлди. Айни чоғда жойларда фуқаролар йиғини кенгаши, фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ва тафтиш комиссиялари тузилиб, улар таркиби тасдиқланаётди.

Самарқанд вилоятида 1245 та фуқаролар йиғинида сайлов ўтказиш кўзда тутилган. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси маълумотларига кўра, шу кунга қадар Каттақўрғон шаҳри, Булунгур, Иштихон, Нуробод, Оқдарё, Пайарик, Пастдаргом, Ургут, Қўшарбот туманларидаги фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказиб бўлинди. Айни чоғда сайлов якунланган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари органлари уюшқоқлик билан ташкил этилиб, уларнинг таркиблари тасдиқланмоқда.

Жумладан, Пастдаргом туманининг "Турон" маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари

фаолиятида асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси таркиби, маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул қотибига кўрсатилган номзод, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказини ташкил этиш ҳамда унинг таркибини тасдиқлаш, маҳалла фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Яқунда ушбу тузилмалар таркиби шакллантирилди.

Ташаббускор ва фидойи маҳалладошларимиздан 120 нафарга яқинини кенгаш ҳамда комиссияларга сайладик, — дейди мазкур фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси Б. Қиёмов. — Ўзим Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияга раис бўдим.

Фаоллар кўмагида аҳоли, хусусан, ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат руҳини ўстиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Ибратли ҳаёт йўлига эга инсонлар иштирокида учрашувлар ташкил этиб, уларга ёшларни жалб қилиш режими ҳам бор. Бундан ташқари, меҳр-оқибат, тинч ҳамда осойишта ҳаёт, дўстлик, тотувликни қадрлаш каби ибратли қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш чораларини ишлаб чиқаялмиз.

Умуман, мамлакатимизнинг барча ҳудудиде фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови баробарида, ушбу тадбир бўлиб ўтган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари органларини ташкил қилиш жараёни уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, Саминжон ХУСАНОВ, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тинчлик ва осойишталик — улуғ неъмат

Тинчлик ҳамда омонлик — улуғ неъмат ҳисобланади. Уни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлашда ички ишлар идоралари вакиллари-нинг ҳам нуносиб ҳиссаси бор.

ТАДБИР

Бинобарин, тизимни такомиллаштириш, хусусан, кейинги йилларда ички ишлар идоралари таркибий тузилмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрларни танлаш ва хизматни тўғри ташкил этиш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Пировардиде ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича самарали натижаларга эришилапти. Яъни бугун осойишталигимиз посбонлари белгиланган шарафли вазифаларини қатъияту шижоат билан адо этаётди. Зеро, фуқароларнинг тинч ҳаёти ҳамда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида жонини фидо этган ходимларнинг ёрқин хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Айтиш керакки, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган тизим ходимларининг порлоқ хотираси доимо ёд этилиб, оилаларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. "Истиқлол" санъат саройида ташкил этилган "Дилларда Ватан мадҳи" номли хайрия концерт дастури ҳам шу эзгу мақсадга йўғрилгани билан эътиборни тортиди. Мазкур тадбирда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг оила аъзолари, нурунчилар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури барчага манзур бўлди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илгари ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган 43 минг гикалория ортқча буг атмосферага чиқариб юборилар эди, — дейди Шимолий кон бошқармаси бош энергетиги Рустам Каримжонов. — Эндиликда эса нафақат бунинг олди олинди, балки йилига 40 млн. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти ҳам яратилди. Бу Сульфат кислотасини ишлаб чиқариш корхонаси учун бир йилда зарур бўладиган энергия манбаининг 70 фоизи



Хотин-қизлар манфаатлари — эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бош мутахассисларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий соҳалардаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбир олдиде турган асосий вазифаларини яна бир қарра аниқлаб олиш, фаолият самарадорлигини кучайтириш омилларини таҳлил қилиш, ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш имконини берди.

Таъкидланганидек, хотин-қизлар манфаатларини кафолатлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, шунингдек, қизларнинг — бўлгуси оналарнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш айти пайтда амалга оширилаётган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу ҳужжатга кўра, дастурий чора-тадбирларни бажаришда жойлардаги ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Тадбирда шулар хусусиде атрофича сўз юритилиб, Хотин-қизлар кўмитаси томонидан маҳаллаларда йўлга қўйилган "Оилага кириш", "Саломатлик", "Бандлик", "Таълим-тарбия", "Жиноятчиликнинг олдини олиш" секторлари фуқаролар йиғинларидаги комиссиялар, давлат ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ривожлантиришда, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига ургу берилди.

Шаҳримиздаги маҳаллаларда ана шундай жамоат секторлари самарали иш олиб бораётди, — дейди Бекобод шаҳар хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Дилдора Исмоилова. — Бу ёшларни, айниқса, қизларни оилага тайёрлаш, меҳнатга лаёқатли аёлларнинг доимий иш жойи ҳамда даромад манбаига эга бўлиши учун кўмаклашиш, оилавий низоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштиришга хизмат қилапти. Хусусан, бу йил ҳудуддаги олти касб-ҳунар коллежини мингдан зиёд қизлар битирмоқда. Тўрт томонлама тузилган шартномаларга мувофиқ, аксарият битирувчи қизларнинг иш жойи аниқ, иш жойи ноаниқ қизларни эса қайта касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида туман меҳнат бўлими Бандлик марказидаги ўқув курсларига жалб қилиш, ишбилармонлик салоҳиятига эга қизларга ўз бизнесини ташкил этишга ёрдамлашиш чоралари кўрилаётди.

Уқув-семинарда хотин-қизлар кўмиталарининг давлат органлари, маҳалла институти, нодавлат но-тижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклигини янада жадаллаштириш, аёллар манфаатлари, оналик ва болалик муҳофаза-сига тааллуқли давлат дастурлари ижросини таъминлаш, бу жараённинг доимий таҳлил ҳамда мониторингини юритиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Юқори унумли технологиялар

саноат корхоналари салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

шунинг ўзида тайёрланади, деганидир. Таъкидлаш жоизки, Навоий кон-металлургия комбинатида бундай янгиланишлар талайгина. Айтайлик, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришда частота ўзгартирувчи қурилмалари ўрнатилиши ҳисобига йилига 15,1 млн. кВт. соат электр энергияси тежаб қолинса, ЭКГ экскаваторларига транзисторли ўзгарти-

гичлар қўйилиши эвазига бир йилда 10,8 млн. кВт. соат электр қуввати иқтисод қилинади. — Бундан ташқари, 2001 йилдан буён куёш гелиоколлекторларидан ҳам фойдаланиб келаялмиз, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати бош энергетиги ўринбосари Алишер Очиров. — Натижада ҳозирги кунга қадар 1920 та гелиоколлектор эксплуатация қилинган бўлса, 2019 йилгача яна

590 та ана шундай ускунани қуриш кўзда тутилаяпти. Қолаверса, бизда биомасса ҳамда биогаз технологияларини қўллашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, комбинатимизга қарашли "Дўстлик" агрофирмасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кунга 400 куб метр газ ҳосил қилиш қувватига эга биогаз мосламаси ишлаб турибди.

Хулоса ўрнида айтганда, Навоий кон-металлургия комбинатида мукобил ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида катта тажриба тўпланган. Энг муҳими, бунинг учун ажратилаётган сармоялар ўзини оқлатганини эришилаётган муваффақиятларда яққол намоеён бўлаётди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки 2016 йил 14 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғсхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:*)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with 4 columns: Currency, Rate, Currency, Rate. Includes entries for Australia, England, Denmark, BAA, AKSH, Misp, Iceland, Canada, Xhitoy, Russia, Ukraine, Malaysia, Poland, CDR, Turkey, Switzerland, Euro, North Korea, South Korea, Japan, and USD.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАХОН **24** **СОАТ ИЧИДА**

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Honda" концерни 780 мингта автоловини қайтариб олади.

«Хавфли» ёстиқчалар



Бунга уларнинг хавфсизлик ёстиқчаларидаги нуқсонлар сабаб бўлди. Гап шундаки, мазкур эҳтиёт қисми йўл транспорти ҳодисаси рўй берганда, нотўғри очилиши ёки ёрилиб кетиши кузатилган.

Оқибатда салондагилар хавфсизлигини таъминлаши ўрнига уларга зарар етказиши аниқланган. Ҳозирги кунгача шу каби ҳодисалар туфайли 11 киши ҳалок бўлган.

Иқтисодий тушқунлик

Жанубий Африка Республикаси иқтисодиётида жорий йилнинг дастлабки уч ойида жиддий пасайиш ҳолати кузатилган.

Масалан, биринчи чоракда ялпи ички маҳсулот 1,2 фоиз камайди.

кон саноатидаги таназзул боис вужудга келган. Хусусан, мазкур секторда хом ашё қазиб олиш ҳажми январь — март ойларида 18,1 фоиз қисқарди.

Бир моторли самолёт қулаб тушди

АҚШнинг Арканзас штатида бир моторли самолёт ҳалокатга учради. Оқибатда бир киши қурбон бўлди, яна бири жароҳатланди. Воқеа сабаблари ўрганилаёпти.

Минг от кучига эга

Италиянинг "Mazzanti Automobili" компанияси томонидан дунёдаги энг кучли енгил автомобиллардан бири тақдим этилди.



"Millecavalli" номини олган мазкур транспорт воситасига 7,1 литр си-

фимга эга 8 цилиндрли қўш турбо мотори ўрнатилган. Унинг қуввати 1000 от кучига, вази эса 1300 килограммга баробар. У 2,7 сонияда 100 км/соат тезликка чиқа олади. Энг катта тезлиги эса 400 км/соатга тенг.

Смартфонга уланувчи чўтка

Голландиянинг "Philips" компанияси томонидан "Bluetooth" модули ўрнатилган ўзига хос тиш чўткиси яратилди.



қурилма эгасининг тишлари ва милқларидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри стоматологга юбориш имкониятига эга. Бу ҳақда "The Verge" манбаси хабар тарқатди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Санъат жозибаси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар замирида Ватанимиз ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда салоҳиятини юксалтиришдек улғувор мақсадлар мужассам.

ТАЪЛИМ

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларга кенг йўл очди. Ушбу ҳужжат мувофиқ, хусусан, ўтган даврда биргина Жиззах вилоятида мазкур соҳага ихтисослаштирилган 14 та муассаса барпо этилди.

Замоनावий ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида қад ростилаган бундай мактабларнинг 13 таси қишлоқ туманларида қурилиб, уларда барча қулайлик яратилди.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларда бунёд этилган мухта-

шам мусиқа ва санъат мактаблари ёшларнинг пухта билим олиши, соҳа сирларини чуқур эгаллаши, қолаверса, аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтиришга, маънавиятини бойитишга хизмат қилмоқда.

Дўстлик туманида ҳам келажгимиз ворисларининг миллий ҳамда жаҳон маданияти дурдоналарини ўрганиши учун ҳамма шaroит мавжуд.

— Мактабимизда 212 нафар истеъодли ўғил-қиз тахсил олади, — дейди мазкур тумандаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Мавжуд Раҳмонова. — Бизда фаолият юритаётган 30 нафар тажрибали педагог ва мураббий ўз касбининг моҳир устасидир. Муассасамизга келаятган ўқув-



чилар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Таълим сифати тубдан ўзгариб, маҳоратини турли маданий тадбирлар ҳамда нуфузли танловларда намойиш қилиш истагини билдираётган ёшлар камол топаётир. Аҳли жамоамизнинг тинимсиз изланишлари натижасида ўқувчиларимиз нафақат республика, балки халққаро миқёсдаги танловларда ҳам

билими ва истеъодли намоён этишга эришяпти. Жумладан, яқинда Сочи шаҳрида ўтказилган халққаро мусиқа ҳамда санъат фестивалида Италия, Бельгия, Хитой каби 18 та давлатдан қатнашган 850 нафар ўғил-қиз орасида мактабимиз ўқувчиларининг муваффақиятли иштирок этгани бунинг яққол исботидир.

Ушбу анжуманда тасвирий санъат йўналиши бўйича Самандар Толибовнинг "Менинг Ватаним" туркумидаги "Наврўз", "Анора", "Тоғларда баҳор" деб номланган картиналари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳолалиб, биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Умуман, фестивалда таълим муассасасининг 4 нафар ўқувчиси ўз йўналишида юқори ўринни эгаллашди. Шунингдек, Нигора Холмуро-

дова фортепиано чолғучилари танловда К. Чернийнинг "Этюд", К. Отаниёвнинг "Гулдаста" мусиқаларини маромига етказиб ижро этганлиги учун 78 нафар танлов иштирокчиси орасида фахрли учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Фестивалда доирада "Попури" термалари, "Гулдаста" ва "Бешқарсақ" мусиқаларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиб, биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди анъанавий созандалик йўналишида тахсил олаётган Бахтиёр Юсупов. — Менинг бу муваффақиятимда юртимизда биз, ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар самараси мужассам. Бундай нуфузли танловларда юртимиз номини улуғлаш мен учун улкан шарафдир.

Бунёд этилаётган бу каби санъат масканларида баркамол авлод вакиллари вояга етмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларни ақл-заковатли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялай олсакки, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққий қарор топмо.

Муқимбой ИСОИЛОВ.

Бекнўлат ТОҒАЕВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясига

қарашли оилавий ётоқхонада яшовчилар шароитини яхшилаш ҳамда умумхўжалиқ талабларини қондириш ва болалар ўйингоҳини қўшимча жиҳозлаш мақсадида қуйидаги маҳсулотларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилинади:

- электр плита учун конфорка (1.5W) — 40 дона;
- электр плита учун конфорка (1.0W) — 10 дона;
- электр плита (тўрт конфоркали) — 4 дона;
- ёруғлик диодли тунчирок — 11 дона;
- (светильник светодиодный)
- кир ювиш машинаси (ҳажми 6 кг.) — 1 дона;
- болалар майдончаси учун ўйингоҳ — 1 тўпلام.

Танловга таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 12 кун мобайнида Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чўст кўчаси, 2-уйда, шунингдек, (0-371) 262-99-01 рақамли факс орқали қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (0-371) 262-67-22. (+99891) 190-49-38.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2016 йил 15 июль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Пахтаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Избоскан туманлараро судининг 2015 йил 8 июлдаги 2020-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пахтаобод тумани, «Маданият» ҚФЙ, «Маданият» МФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1442,26 кв.м. бўлган молхона.
2. Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалиқ судининг 2016 йил 6 январдаги 17-1509/19161-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, С. Зулунов кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган, қурилиш майдони 1284,04 кв.м. бўлган, 0001, 0003, 0004-литерлардаги тантаналар саройи.

Бошланғич баҳоси — 85 000 000 сўм.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 13 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 1 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Булоқбоши тумани СИБ томонидан ФИБ Қўрғонтепа туманлараро судининг 2015 йил 23 сентябрдаги 1-867-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Булоқбоши тумани, «Булоқбоши» ҚФЙ, Мирзакалон Исмоилий кўчасида

жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Қурилиш майдони 7,25 кв.м. бўлган, А-литердаги савдо дўкони.
2. Қурилиш майдони 6,16 кв.м. бўлган, А-литердаги савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 29 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003 МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

хўжалиқ жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомобилотранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф қилади.

Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ахборотлаштириш Бош маркази» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хуршид кўчаси, 87-уйда сақланаётган «Chevrolet NIVA 21230L» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли, техник ҳолати яхши, давлат рақами 25/033 ВАА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 20 462 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 19 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 15 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001580.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Хорижий сармоядорлар диққати!

«Respublika mulk markazi» АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил қиладиган, давлатга тегишли, бошланғич баҳоси 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини «Тошкент» Республика фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этилди.

Жамият 1994 йилдан бунён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомобилотранспорт воситаларининг, хўжалиқ жамиятлари устав фондидаги улушларнинг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ҳамда танлов савдоларини ташкил қилишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, зарур оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Мамлакатимиз қонунчилигига қўра, хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 1 январгача акциядорлик жамиятларида ўзларига тегишли бўлган акциялардан дивиденд тарзида оладиган даромадларидан солиқ тўлашдан озод этилганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. www.rmm.uz

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яққасарой тумани СИБ томонидан 2015 йил 26 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Рақат кўчаси, 39-уйда жойлашган, ер майдони 976,0 кв.м., умумий майдони 913,48 кв.м., тураржой майдони 526,23 кв.м. бўлган, 13 та яшаш хонали, 2 қаватли, мансарда ва ертўладан иборат уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.
2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани СИБ томонидан 2015 йил 17 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани, «Уртасарой» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 264,0 кв.м., умумий майдони 135,54 кв.м., фойдаланиш майдони 181,88 кв.м. бўлган нотуражой биноси такроран қўйилмоқда.
3. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан 2016 йил 17 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 110,0 кв.м. бўлган ертўла қўйилмоқда.
4. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели тумани СИБ томонидан 2016 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 79,09 кв.м., тураржой майдони 43,47 кв.м. бўлган, 3 та хонадан иборат 22-хонадон қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 108 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 29 июндаги савдо учун — 2016 йил 27 июнь куни соат 16.00 гача, 2016 йил 14 июлдаги савдо учун — 2016 йил 12 июль куни соат 16.00 гача. Талабгорлар кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Кино дастурлари ва тезкор дубляж студиясининг режиссёри **Матқуб ОРЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Корпоратив бошқарув кафедраси доценти Самад Йўлдошевга онаси **Ойсара ЙЎЛДЎШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш кафедраси профессори **Фредун Аҳмедович БАРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамиз аграр соҳа ходимларининг бугунги меҳнатлари замирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали халқимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий ёндашган ривожлантиришдек юксак вазифалар мужассам. Соҳа равнақига қаратилаётган эътибор, қишлоқ одамларига яратиб берилаётган муносиб меҳнат шароитлари туфайли ушбу эзгу мақсадга тўлиқ эришилмоқда. Бундай дейиш учун асосларимиз етарли, албатта. Масалан, 1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, импорт ҳисобига қондирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қопланмоқда. Ўтган даврда аҳоли сони 11 миллиондан зиёд ўсганига қарамай, жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,5 карра, картошка 1,9 марта, сабзавот 2,6 баробардан зиёд, мева 6,3 марта ортгани кўп нарсани аниқлатади.

Шубҳасиз, бу муваффақиятлар негизи Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йилда, яъни собиқ иттифок давридаёқ, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромадларини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида кўплаб оилаларга томорқа берилганлигига бориб тақалади. Узоқни кўзлаган ҳолда бошланган ушбу саъй-ҳаракатлар Президентимизнинг 1991 йил 11 январдаги “Қолхозчилар, совхозларнинг

ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармониغا мувофиқ, янада кенг қўл очилди.

Мазкур тарихий ҳужжатда 1991 йилнинг сентябрга қадар ажратиб бериладиган томорқа участкалари рас-

ятига эга бўлди. Шу маънода айтганда, бу мазкур ислохот туфайли республикамиздаги 2 миллиондан ортиқ оила, яъни ўртача 10 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси ижобий ҳал этилди, дегани эмасми?!

Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда ерни ҳақиқий эгасига бериш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш йўлидаги ана шундай йирик сиёсий-ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тақомиллаштирилиб, жамоа ва ширкат хўжалиқларининг ерларини хусусий мулкчилик шаклидаги фермер хўжалиқларига узоқ муддатга ижара бериш амалиёти бошланди.

Бугунги кунда юртимизда 160 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 36 мингдан ортиғи кўп тар-

пахта майдонлари деярли 2 баробар қисқартирилиб, уларнинг ўрнига дон, сабзавот, полиз, мойли экинлар экилиб, боғ ҳамда тоқзорлар барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари қилиб бериладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу жараёнда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Унга асосан, 2009 йил ҳосилидан эътиборан 75,8 минг гектар, 2012 йил ҳосилидан эса яна 30,1 минг гектар пахта майдонлари қисқартирилган бўлса, Асака, Жомбой ҳамда Янгийўл туманларида бу экин ўрнига тўлигинча мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирила бошланди.

Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган “2016 — 2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Унга кўра, 2016 — 2020 йиллар мобайнида 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар галла майдонлари ўрнига озиқ-овқат экинлари экилиши белгиланиб, жорий йилнинг ўзида пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Буларнинг са-

мамардорлигини ошириш учун барча зарурий шарт-шароит яратиб берилган. Яъни деҳқон ва фермер хўжалиқлари, аҳоли томорқаларида экинлар экилиши бўйича мониторинг юритиш механизми йўлга қўйилиб, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, мевали дарахтлар кўчатлари етказиб беришнинг мақбул тизимига асос солинган.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологиялар татбиқи қилинаётгани, истиқболли навлар яратилиб,

амалиётга жорий қилинаётгани туфайли мустақамлаштирилди. Биргина академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олим ҳамда мутахассислари томонидан мева ва узумнинг 28 та серхосил нави яратилиб, Давлат реестрига киритилган бўлса, олма, нок, шафтоли, ўрик, гилос, бодом, ёнғоқ, қорғат (смородина) ҳамда қулупнайнинг яна 36 та янги нави яратилиб, Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш ва районлаштириш учун тақдим этилгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41, полизнинг 5 та, картошканин 6 та янги нави яратилди.

Кейинги йилларда дунё бўйича иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган экологик омиллар селекционерлар олдинга янги талабларни қўймоқда. Илмий асосланган, тажрибада синалган, сув танқислиги ва қурғоқчил шароитга мослашувчан, турли зараркунандаука саалликларга чидамли, юқори ҳосилли навларни кўпайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, ўтган йили академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти-да Марказий Осиё-да ягона бўлган “Инвитро” лабораторияси ишга туширилган, вируслардан холи бўлган мева ва узум кўчатларини етиштириш имконияти юзага келди.

Умуман олганда, уруғчилик тизимини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш бўйича илғор технологиялар жорий этилиши ҳисобига охириги 5 йилда қайта ишланган маҳсулотлар ҳажми қарийб 5 мартабга ошди.

Маълумки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан яна

бири чорвачилиқдир. Чунки ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 42,2 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. Ушбу жаҳада эркин бозор механизми шакллантирилгани, кўплаб имтиёзлар тақдим этилаётгани натижасида чорва моллари сони ҳамда гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ортиб бораётган. 2015 йил якунларига кўра, барча тоифадаги хўжалиқларда қорамоллар сони 1991 йилдагига нисбатан 2,4 баробарга, жумладан, сигирлар сони 2 баробар, паррандалар сони 1,8 марта кўпайгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Мамлакатимизда чорвачилиқ фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш мақсадида биргина кейинги ўн йил мобайнида Польша, Австрия, Голландия, Германия каби Европа мамлакатларидан 60 мингдан ортиқ насли сигирлар келтирилди. Бу, ўз навбатида, маҳсулдорлигини ошишига катта туртки бўлди.

...Истиқлолдан аввал юртдошларимиз бугунги до-риламон кунлар, фаровон ҳаёт, беқиёс имконияту гамхўрликлар ҳақида тасаввур ҳам қила олмасди. Ахир илгари улар умр бўйи далада меҳнат қилиб, қосаси оқармай, бири икки бўлмай, амаллаб рўзгор тебратган, холос. Бугун-чи? Яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерлар нафақат жамиятимизга наф келтираётган, балки ўзлари катта манфаат ҳамда рағбат кўраётган. Уларнинг ишлаб топган даромади оила аъзоларининг фаровон турмуш кечириши, дастурхони тўқинлиги, юртимиз тараққиётининг қафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган ва узоқни кўзлаган сиёсат, ҳаётий дастурларнинг беқиёс самарасидир.


Муҳаммадjon ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги бошқарма
бошлиғи.

Шомурот ШАРАПОВ ва Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши



Ғалла етиштириш ҳажмининг ўсиши (миллион тонна)



мараси ўлароқ, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди, хусусан, картошка 7 марта, мева қарийб 4,1 марта, сабзавот 2,8 марта, сут ва сут маҳсулотлари 1,7 марта, гўшт 1,3 баробар ўсди.

Энг муҳими, Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичида ғалла мустақиллигини қўлга киритиб, дон ва дон маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар сафидан мустақам ўрин эгаллади. Эътибор қилинган: 1990 йилда атиги 1 миллион тоннадан зиёдроқ ғалла ҳосили етиштирган деҳқон ва фермерларимиз 2000 йилда 4,1 миллион тонна, 2015 йилда эса 7 миллион 300 минг тоннадан

самарадорлигини ошириш учун барча зарурий шарт-шароит яратиб берилган. Яъни деҳқон ва фермер хўжалиқлари, аҳоли томорқаларида экинлар экилиши бўйича мониторинг юритиш механизми йўлга қўйилиб, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, мевали дарахтлар кўчатлари етказиб беришнинг мақбул тизимига асос солинган.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологиялар татбиқи қилинаётгани, истиқболли навлар яратилиб,



Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Муасхих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси